



2020 йил «20» апрел

№ 239-Қ

Вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4670-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 50-Қ-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Туманда доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4670-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 50-Қ-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан: асосий турдаги доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштириладиган ҳудудлар рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосари (А.Дусмуродов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (О.Абсаматов)лар:

доривор ўсимликлар кластерига ер майдони туман ҳокимлиги ва ташаббускорлар ўртасида тузиладиган битим асосида ажратилиши;

доривор ўсимликлар кластерларига ер майдони доривор ўсимликлар етиштиришга мос бўлган, юридик ва жисмоний шахсларга ажратилмаган ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан, захирадаги ерлардан, шунингдек, лалми ва ўрмон фонди ерларидан ажратилиши юзасидан белгиланган тартибга катъий риоя этсинлар.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари (А.Дусмуродов), Қишлоқ хўжалиги бўлими (Ш.Сапаров)лар:

доривор ўсимликлар кластерларини ташкил этишда иқтисодий жиҳатдан барқарор фаолият юритаётган, зарур инфратузилма объектлари, шунингдек, мол-мулк ва бошқа воситаларга эга бўлган салоҳиятли юридик шахсларни танлаш ва шакллантиришга;

табиий ҳолда ўсувчи, шу жумладан йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш харажатларини қоплаш учун маҳаллий бюджетга йўналтириладиган маблағларни сарфланишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

5. Туман ҳокимиинг ўринбосари (А.Дусмуродов), Қишлоқ хўжалиги бўлими (Ш.Сапаров), Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (О.Абсаматов)лар:

Ўзбекистон доривор ўсимликлари кичик инновацион корхонаси томонидан намунавий доривор ўсимликлар кластерлари ва жойларда фитобарлар ташкил этилишини;

доривор ўсимликлар кластерларига доривор ва зиравор ўсимликларни етиштиришга мос бўлган ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

6. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Э.Пардаев), “Нуробод” газетаси таҳририяти, мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни туман ҳокимиинг ўринбосари А.Дусмуродов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ф.Заиров